

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ  
ҲУЗУРИДАГИ ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ**

# **РЕФЕРАТ**

**Мавзу: Давлат тузилиш шакли**

**Бажарди : Мақсудов М**

**Тошкент 2011**

## **Р Е Ж А :**

### **КИРИШ**

- 1. Давлатнинг тузилиш шакли тушунчаси**
- 2. Давлатнинг тузилиш шаклининг турлари**
- 3. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилишининг ўзига хос хусусиятлари.**

### **ХУЛОСА**

### **Фойдаланилган адабиётлар руйхати**

## Кириш

Давлат тузилиш шакли тушунчаси давлат ва ҳуқуқ назарияси фанида энг муҳим категорияларидан бири ҳисобланади. Давлат тузилиш шакли категорияси давлат моҳияти категорияси билан бевосита боғлиқдир. Чунки давлат тузилиш шаклини билиш орқали давлат маъмурий-ҳудудий тузилиши марказий ҳокимият органлари билан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги муносабатлар характери аниқланади. Яъни у орқали марказий органлар билан маъмурий-ҳудудий бирликлардаги маҳаллий органлар ўртасидаги ўзаро муносабат, давлат ҳокимияти амалга ошириш усулларини билиш мумкин. Шу билан бирга мавжуд юридик адабиётларда давлат тузилиш шакли категориясига таъриф ишлаб чиқишда яқдиллик йўқлигини ҳам кўрсатиб ўтиш мумкин.

Мазкур курс ишининг долзарблиги ҳам шундаки юридик адабиётлардаги давлат тузилиш шаклига берилган таърифни умумлаштириш ва ҳозирги замонавий давлатларнинг моҳиятидан келиб чиққан давлат тузилиш шаклига янгича ёндашувлар асосида таъриф ишлаб чиқишдир. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси давлат мустақилликка эришганидан кейин ўз давлатчилигини шакллантира бошлади.

Республикаимиз Президенти И.А.Каримов айтганларидек: «Давлат қурилиши борасида танқидий нуқтаи назарсиз қабул қилинадиган тайёр қолип ва андозалар йўқ. Дунёда бир-бирига ўхшаган иккита инсон бўлмаганидек, бир-бирига айнан ўхшаш иккита давлат ҳам йўқ. Бундай бўлиши ҳам мумкин эмас.

Ҳар бир давлат бетакрор ижтимоий ҳодисадир. У ҳар қайси халқ тарихий ва маънавий тараққиётининг ҳолисидир, унинг ўзига хос, ўзига мос маданияти ривожининг натижасидир».

Табиийки, биз танлаган истиқболли йўл ниҳоятда кенг қамровли бўлиб, уни турли томондан таҳлил ва талқин этиш мумкин. Демократия бош йўлимиз бўлса, давлат бош ислохотчи, деб эътироф этилди. Демак, мустақил

миллий давлатчиликни қарор топтириш биз танлаган йўлнинг устувор йўналишларидан бири экан. Биз танлаган ижтимоий тараққиёт жараёнининг асосий белги, хусусиятларидан бири давлат бошқаруви шаклига боғлиқдир.

Бугун биз қандай давлат қураёмиз? Унинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маънавий ва ҳуқуқий негизлари нималардан иборат? Биз бунёд этаётган давлатнинг мазмун-моҳияти, қиёфаси, шакл-шамойли қандай бўлади, деган саволлар туғилиши табиий ҳол.

Шу нуқтаи-назардан олганда юқоридаги саволларга жавоб бериш давлат шакли категориясига оид масалаларни илмий назарий жиҳатдан ўрганишни аҳамиятини ва долзарблигини ва нақадар зарурлигини кўрсатиб турибди.

Мазкур мавзу МДХ мамлакатлари ва республикамизнинг етакчи ҳуқуқшунос олимлари томонидан атрофлича ўрганилган ва тадқиқот қилинган.

Курс иши кириш, учта параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

## 1. ДАВЛАТНИНГ ТУЗИЛИШ ШАКЛИ ТУШУНЧАСИ

Маълумки, ҳар қандай давлат муайян ҳудудда жойлашган. Унинг фуқаролари ҳам худди шу ҳудудда истиқомат қилишади. Ўзининг ижтимоий функцияларини бажариш - фуқароларнинг иқтисодий турмуши ва ҳимоясини ташкил этиш, суғурта заҳираларини яратиш ва ҳоказолар учун давлат турли хил фаолиятни амалга оширади. Аммо аҳолининг сони анча кўп, ҳудудий ўлчами катта бўлган шароитларда бир марказдан туриб бу фаолиятни амалга ошириш - қарийб уддалаб бўлмайдиган вазифадир,

Фуқаролар сони ва ҳудуд кўлами муайян чегарага етганда мамлакат ҳудудини округлар, вилоятлар, ўлкалар, штатлар, кантонлар, губерниялар, уезд сингари ҳудудларга бўлиш ҳамда шу ҳудудий тузилмаларда ҳокимиятнинг маҳаллий (ҳудудий) органларини тузиш зарурати туғилади. Шу тариқа ҳокимият ва бошқарувнинг марказий ҳамда маҳаллий органлари ўртасида ваколатларни бўлиш эҳтиёжи ҳам пайдо бўлади. Бу давлат (ҳудудий) тузилиши заруратини келтириб чиқарадиган биринчи сабабдир.

Иккинчи сабаб у ёки бу давлат аҳолисининг кўп-миллатлилиги билан боғлиқ. Ҳар бир халқ, миллатнинг ўз анъаналари, давлатчилик бўйича тарихий тажрибаси, маданий, тил ва бошқа маънавий эҳтиёжларга эга. Буларнинг ҳаммасини давлат тузилиши чоғида назарда тутиш керак.

Учинчи сабаб субъекти ва хатто тасодифий омиллар - ўзлаштириб олиш, мустамлакачилик таъсири, сиёсий манфаатлар ва бошқа кўпгина ҳолатлардан иборат бўлиши мумкин.

Бошқарув шакли сингари ҳудудий тузилиш илдизлари ҳам жуда қадим замонларга бориб тақалади. Қадимги Шарқ деспотик империялариёқ вилоятлар", шаҳарлар, сатрапиялар, забт этилган ҳудуддарга бўлинганди. Улар ўз ҳудудий тузилмалари ҳамда ўз ҳокимият ва бошқарув органларига эга бўлишган. Албатта, давлат ўз ҳудудий тузилмаларининг оддий

йиғиндисидан иборат эмас. Лекин бу тузилмаларсиз давлат мавжуд бўла олмайди.

Энди биз давлат тузилишини таърифлаб бериш масаласига ўтамиз ҳамда давлат тузилиши шакли деганда нимани тушунилади, деган саволга жавоб берамиз.

Давлатшунос олимлар томонидан бу тушунчага кўплаб таърифлар берилган. Лекин улар бир-бирларидан унчалик катта фарқ қилмайди. Уларнинг қарийб барчаси давлат тузилиши шакли деганда давлат ҳокимиятининг маъмурий-ҳудудий ташкил этилиши, давлат билан уни ташкил этувчи қисмлар ўртасидаги, давлатнинг алоҳида қисмлари ўртасидаги, марказий ва маҳаллий органлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар характери тушуниш керак, деб ҳисоблашади,

Давлат ўз олдида турган асосий вазифаларни, масалан, аҳолининг иқтисодий турмушини ташкил этиш, аҳолининг хавфсизлигини таъминлаш ва бошқа функцияларни амалга ошириш мақсадида турли хил фаолиятни юритади. Агар давлатда аҳолининг сони кўп бўлса, ҳудудий жиҳатдан анча катта бўлса, бу шароитларда марказдан туриб бу фаолиятни амалга ошириш мушкулдир.

Таниқли ҳуқуқшунос олим юридик фанлар доктори, профессор Р.Қ.Қаюмовнинг фикрича<sup>1</sup>: давлат тузилиши давлат шаклининг бир туридир. Давлатнинг шакли ҳуқуқшунослик фанида учта асосий қисмларнинг йиғиндиси ҳисобланади:

- давлатни бошқариш;
- давлат тузилиши шакли;
- сиёсий тартиб (режим).

Давлат тузилиши шу давлат олдида турган вазифалар ва мақсадлар билан белгиланади. Давлат тузилиши ва унинг шаклига: биринчидан, жамият ва давлат олдида муайян даврда қандай иқтисодий вазифалар, сиёсий мақсадлар турганлиги; иккинчидан, давлатда қанча аҳоли (миллат) борлиги

---

<sup>1</sup> Қаранг. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ. Тошкент, Ўзбекистон, 2001 й., 344-б.

ва уларнинг ўзаро муносабатлари қандайлиги; учинчидан эса, давлат ҳудудининг қандайлиги таъсир этади.

Давлат тузилиши ёки миллий давлат тузилиши деганда давлатнинг моҳиятидан келиб чиқувчи унинг ҳудудий тузилиши ёки миллий-ҳудудий тузилиши, давлат билан унинг таркибига кирувчи бўлакларни (қисмларни) давлат муносабати шакллари ва ҳуқуқий ҳолатлари тушунилади.

Таниқли ҳуқуқшунос олим юридик фанлар доктори, профессор З.М.Исломовнинг фикрларича<sup>2</sup>: фуқаролар сони ва ҳудуд кўлами муайян чегарага етганда мамлакат ҳудудини округлар, вилоятлар, ўлкалар, штатлар, кантонлар, губерниялар, туманлар сингари ҳудудларга бўлиш ҳамда шу ҳудудий тузилмаларда ҳокимиятнинг маҳаллий (ҳудудий) органларини тузиш зарурати туғилади. Шу тариқа ҳокимият ва бошқарувнинг марказий ҳамда маҳаллий органлари ўртасида ваколатларни бўлиш эҳтиёжи ҳам пайдо бўлади.

Давлатшунос олимлар томонидан давлат тузилиши тушунчасига кўплаб таърифлар берилган. Уларнинг қарийб барчаси давлат тузилиши шакли деганда - давлат ҳокимиятининг маъмурий-ҳудудий ташкил этилиши, давлат билан уни ташкил этувчи қисмлар ўртасидаги, давлатнинг алоҳида қисмлари ўртасидаги, марказий ва маҳаллий органлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар характерини тушуниш керак, деб ҳисоблашади.

---

<sup>2</sup> Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Тошкент, 2000 й., 140-б.

## 2. Давлатнинг тузилиш шаклининг турлари

Тузилиш таркибига кўра давлатлар оддий – унитар ҳамда мураккаб – федератив ёки конфедератив давлатларга бўлинади. Давлатнинг тузилиш шакли нафақат оммавий ҳокимият билан, балки давлатнинг яна бир муҳим хусусияти – аҳолининг ҳудудий ташкилоти билан ҳам чамбарчас боғлиқдир.

**Унитар**<sup>3</sup> давлат – оддий тузилишга эга яхлит давлат бўлиб, тўла сиёсий бирлиги билан бошқалардан фарқ қилади. Унитар давлатларнинг аксарияти муайян маъмурий-ҳудудий бўлинишга эга, яъни туманлар, вилоятлар, кантонлардан иборат бўлади. Мазкур маъмурий-ҳудудий бўлинмалар давлат суверенитети аломатига эга эмас. Унитар давлатларда бутун ҳудуд бўйича ягона олий органлар тизими ва ягона қонунчилик тизими мавжуд бўлади. Унитар давлатларнинг тузилиши оддийдир.

Унитар давлатларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, уларда марказлаштириш турли шаклларда ва турли даражада бўлади. Баъзи унитар давлатларда маҳаллий органлар бўлмайди ва маъмурий-ҳудудий бўлинмалар марказий ҳокимият вакиллари томонидан бошқарилади. Маҳаллий органлар ташкил этилган унитар давлатларда эса, улар марказий ҳокимият назорати остида бўлади. Марказий ҳокимият маҳаллий органлар устидан назоратнинг қандай турини амалга оширишига қараб, марказлашган ва марказлашмаган унитар давлатларга бўлинади.

Бундан ташқари баъзи унитар давлатларда маъмурий-ҳудудий бўлинмаларнинг айримларига бошқаларга қараганда имтиёзлироқ ҳуқуқий мақом берилиши мумкин. Бундай унитар давлат нисбий маъмурий мустақил мухторият (автономия)га эга бўлади. Мухториятлар мустақиллиги марказий ҳокимият белгилаган доирадагина бўлади.

Унитар давлатлар ҳудудида бошқа мустақил давлатлар бўлмайди. Унитар давлатдаги маъмурий-ҳудудий бўлинмалар фақат маҳаллий

---

<sup>3</sup> «Унитар» сўзи лотинча «унус» - «бир» сўзидан олинган бўлиб, «ягона» деган маънони англатади.

масалаларни ҳал қилиш ҳуқуқига эга, марказий ягона давлат ҳокимияти кучи давлатнинг барча ҳудудига ўз таъсирини кўрсатади. Унитар давлатларга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, Италия, Франция, Буюк Британия, Украина, Қозоғистон, Қирғизистон, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳам унитар давлат ҳисобланади.

Жумладан **Италия** Конституциясининг 5-моддасига биноан Италия Республикаси - ягона ва бўлинмасдир, лекин маҳаллий автономияни тан олади ва рағбатлантиради. Италия Республикасининг ҳудудий тузилиши Конституциянинг 5-бўлими 114-133-моддаларида батафсил ёритиб берилгандир. Унга кўра республика - вилоятларга, провинцияларга ва коммуналарга бўлинади. Коммуналар - шаҳарлар ёки уларнинг бўлақларини ва қишлоқ аҳоли пунктларини ёки уларнинг гуруҳларини ўз ичига олади. Юқорида кўрсатиб ўтилган сиёсий-маъмурий бирликлар маълум бир доирада автономия эга. Асосан вилоятларнинг автономияси кенгдир<sup>4</sup>.

**Франция** Конституциясининг алоҳида бўлими ҳудудий жамоаларга ажратилган бўлиб, 72-модда биринчи қисмига биноан ҳудудий жамоаларга - коммуналар, департаментлар ва денгиз бўйи ҳудудлар киради. Департаментлар шаҳар ва қишлоқ коммуналарига (жамоаларига) бўлинади. Бундан ташқари алоҳида автоном мақомига эга бўлган Корсика оролини ҳам Франциянинг сиёсий-ҳудудий тузилишига киртилган<sup>5</sup>.

**Буюк Британия** тўрт қисмдан - Англия, Уэльс, Шотландия ва Шимолий Ирландиялардан иборат. Буюк Британиянинг сиёсий-ҳудудий тузилиши графликлардан, шаҳар-графликларидан, маъмурий округлардан ва бошқалардан ташкил топган.

Давлат тузилиши шаклининг иккинчиси – бу мураккаб давлатлар. Мураккаб давлатларга – федерация, конфедерация, ҳамдўстлик ва бошқалар киради.

---

<sup>4</sup> Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Том 3. Особенная часть. Страны Европы. Москва, БЕК, 1998 г., с.328.

<sup>5</sup> Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Том 3. Особенная часть. Страны Европы. Москва, БЕК, 1998 г., с.167.

**Федератив**<sup>6</sup> давлат – бу давлатларнинг шартнома ва қонуний тартибга солинган бирлашувини таъсис этишга асосланган иттифокдир. Демак, ўзаро бирлашишга интилувчи бир қанча мустақил давлатлар мавжуд бўлган жойдагина федерация ташкил этилиши мумкин.

Федератив шаклдаги давлат қонун чиқарувчи органларга, ижро этувчи ва суд органларига эга бўлган бир неча давлатлар – субъектлар бирлашмасидан, иттифоқидан ташкил топади. Ҳар хил федератив давлатларда субъектлар ўзига хос номлар билан – республика, штатлар, кантонлар, ерлар деб аталади. Америка Қўшма Штатлари, Россия Федерацияси, Германия Федератив Республикаси ва бошқа кўпгина давлатлар федератив давлатлар ҳисобланади.

Жумладан, *Америка Қўшма Штатлари* Конституцияси<sup>7</sup>га биноан Америка Қўшма Штатлари 50 штатдан ва алоҳида ҳуқуқий мақомга эга бўлган Колумбия федерал округидан ташкил топган.<sup>8</sup> Ҳар бир штат ўзининг Конституцияси ва қонунларига эга. Лекин АҚШ Конституциясига биноан барча штатларда АҚШ Конституцияси ва уларни ижро этиш мақсадида чиқариладиган қонунлар мамлакатнинг бутун ҳудудида олий қонунлар ҳисобланиб, барча томонидан бажарилиши шарт ҳисобланади. Масалан, Калифорния Конституциясининг 3-бўлим 1-моддасида кўрсатилишича: Калифорния Америка Кенгаши (Союзи)нинг ажралмас қисми бўлиб, АҚШ Конституцияси мамлакатнинг олий қонуни ҳисобланади. Штатларда фақатгина бошқарувнинг республика шаклини амалга оширишлари мумкин.

*Россия Федерациясининг* 1993 йилда қабул қилинган Конституциясининг 5-моддасига биноан Россия Федерацияси – Россия Федерациясининг тенг ҳуқуқли субъектлари бўлган – республикалардан,

---

<sup>6</sup> «Федератив» сўзи лотинча «feodus» сўзидан олинган бўлиб, «иттифок», «шартнома» маъноларини англатади.

<sup>7</sup> АҚШ Конституцияси - илк ёзилган конституциялардан бири бўлиб, ҳозирда ҳам амалдадир. У 1787 йилда 14 майдан то 17 сентябргача Филадельфия шаҳрида тайёрланган.

<sup>8</sup> Конституции зарубежных государств. Москва, БЕК, 1996 г., с.10.

вилоятлардан, федерал аҳамиятидаги шаҳарлардан, автоном вилоятлардан, автоном округлардан ташкил топади.<sup>9</sup>

*Германия Федерацияси* ўн олтига «ерлар»дан иборат бўлиб, уларнинг учтасини йирик шаҳарлар - Берлин, Гамбург, Бремен(бу ернинг таркибига унча катта бўлмаган порт шаҳар – Бремерхафен киради) ташкил этади ва ҳ.к.лар.

Федератив давлат бир неча суверен давлатларнинг идентифоқидан ташкил топган суверен давлатдир. Федерацияда умумфедератив давлатнинг ҳокимияти ва бошқарув органлари, Конституцияси, бюджети, давлат рамзларини билдирадиган белгилари бўлиши билан бирга унга қирувчи давлатларнинг ҳам ўз ҳокимияти ва бошқарув органлари, Конституцияси бўлади.

Ҳозирги вақтда давлатларнинг ривожланиши «тоза ҳолда»ги унитар ва федератив давлатларнинг кам учрашига олиб келмоқда. Унитар давлатлар айрим ҳуқуқларини маъмурий-ҳудудий бўлинмаларига бермоқда, федератив шаклдаги давлатларда эса уларнинг марказий органлари ҳокимиятларини бутун федерация ҳудудида мустаҳкамлашга ҳаракат қилмоқдалар. Демак «соф ҳолда»ги унитар ва федератив давлат шакллари кам учрайди.

---

<sup>9</sup> А.И.Коваленко. Конституционное право России. Учебник, Москва, Право и Закон, 1997 г., с.108.

### **3. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилишининг ўзига хос хусусиятлари**

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 6 бўлим, 26 боб, 128-моддадан иборат. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тўртинчи бўлими, ўн олтинчи боби (68-69-моддалари) - Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилишига бағишланган.

Тарихий воқеалар ва жаҳон давлатларининг ҳозирги ривожланиш тажрибаси - давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилиш муаммолари сиёсий ва ҳуқуқий нуқтаи назаридан жуда долзарб эканлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши тўғрисида гапиришдан олдин, ўқувчилар далаат тузилиши, давлат тузилишининг шакллари тўғрисидаги тушунчаларга эга бўлишлари лозим.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиёнинг ўрта ва шимолий қисмида жойлашган бўлиб, шимоли-шарқда Қирғизистон, шимол ва шимолий-ғарбда Қозоғистон республикалари, жанубий-ғарбда Туркманистон, жанубий-шарқда Тожикистон Республикаси билан, жанубда қисман Афғонистон билан чегарадош.

Ўзбекистон Республикасининг майдони – 447,4 минг кв. км.

Ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди 1917 йилги Октябрь тўнтаришига қадар маъмурий жиҳатдан Туркистон генерал-губернаторлиги (Туркистон ўлкаси) ҳамда Россиянинг ярим мустамлакалари бўлмиш Бухоро амирлиги ва Хива хонлигига бўлинган эди. Асосий маъмурий-ҳудудий бирликлар вилоят (область), уезд, волость ва қишлоқ жамоасидан иборат бўлган. Хусусан, Хива хонлиги 20 беклик, 2 ноиблик ва Хива шаҳрига бўлинган. Беклик ва ноибликлар ўз навбатида аминлик ва масжидларга бўлинган. Бухоро амирлиги ҳудуди 28 бекликдан иборат бўлиб, улар амлок ва аминликларга бўлинган.

1917 йилги Октябрь тўнтаришидан кейин подшо Россияси мустамлакачилари ўрнини эгаллаган Совет Иттифоқи (қизил империя)

миллий республикалар тузиш ниқоби остида амирлик ва хонликларни тугатиб, Туркистон ўлкасини парчалаб юборди.

1918 йил 30 апрелда Шўролар 5-ўлка съездида тасдиқланган «Россия Федерациясининг Туркистон Советлар Республикаси тўғрисида Низом»да Туркистон Республикасининг давлат тузуми, унинг ҳудудий чегаралари белгиланди. 1924 йилга келиб Туркистон АССР олти вилоятга: Сирдарё, Самарқанд, Фарғона, Закаспий (Туркменистон), Ёттисув, Амударё вилоятлари, 30 уезд ва 473 волостга бўлиб ташланди.

1920 йил апрелда Хоразм Халқ Совет Республикаси эълон қилиниб, конституция қабул қилинди. Республиканинг бутун ҳудуди 28 туманга бўлинди. 1924 йил республика 3 вилоят - Қозоқ-Қорақалпоқ, Янги Урганч, Тошхөвүз ва Хива туманига бўлинди. Вилоятлар шўро (волость)ларга бўлинди.

1920 йил 8 октябрда собиқ Бухоро амирлиги Бухоро Халқ Совет Республикаси деб эълон қилинди. Республика ҳудуди 15 вилоят, 58 туман ва 197 кентга бўлинди. Шундай қилиб, Ўрта Осиёда учта социалистик давлат: Туркистон АССР, Бухоро ХСР ва Хоразм ХСР тузилди. Аммо янги мустамлакачиларни бу ҳам қаноатлантирмади. Энди улар мустамлакани бошқаришнинг анча қулай шакли - «миллий-ҳудудий чегараланиш» деб номланган кейинги босқичга ўтишди.

1924 йилда Ўрта Осиёда миллий-ҳудудий чегараланиш натижасида Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси тузилди. 1924 йилдан 1929 йилгача Тожикистон АССР ҳам ЎзССР таркибида бўлган.

1925 йил 29 январдан республикада ягона маъмурий бўлиниш жорий қилинди. Маркази Самарқанд шаҳри бўлган ЎзССР етти вилоят - Самарқанд, Тошкент, Фарғона, Зарафшон, Сурхондарё, Қашқадарё, Хоразм вилоятларига, 22 уезд ва 241 волостга бўлинди. 1926 йилда маъмурий-иқтисодий районлаштириш амалга оширилиб, 1927 йил 1 январда ЎзССР ҳудуди 10 округ, 87 туман ва 1746 қишлоқ кенгашидан иборат бўлди.

1930 йил 17 августда округга бўлиниш бекор қилинди. 1930 йил охирида ЎзССР таркибида 9 та шаҳар, 73 туман, 1696 қишлоқ кенгашидан ташкил топди.

1932 йил 27 июнда Хоразм округи, 1935 йил февралда эса Қашқадарё ва Сурхондарё округлари қайта тикланди.

1936 йилда Қорақалпоғистон АССР РСФСРдан олиниб, ЎзССР таркибига киритилди. ЎзССРнинг маъмурий-ҳудудий бўлиниши унинг 1937 йилги Конституциясида расмийлаштирилди. Бу вақтга келиб ЎзССР таркибида бир автоном республика, 3 округ, 109 туман, 22 шаҳар, 16 шаҳарча ва 1392 қишлоқ кенгаши бор эди.

1938 йил 14 февралда ЎзССР таркибида Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятлари тузилди. 1941 йил 6 мартда Андижон, Наманган ва Сурхондарё вилоятлари, 1943 йил 20 январда Қашқадарё вилояти ташкил этилди. Барча вилоятлар бир қанча туманлардан ташкил топди.

1954 йил июнда 447 қишлоқ кенгаши тарқатиб юборилди. 1957 йил 1 январда ЎзССР таркибида: бир автоном республика, 9 вилоят, 6 шаҳар тумани, 155 қишлоқ тумани, 29 шаҳар, 57 шаҳарча ва 993 қишлоқ кенгашидан ташкил топди.

1957-1961 йилларда маъмурий-ҳудудий бирликлар бир қадар йириклаштирилди, вилоят, туман, қишлоқ кенгашлари сони камайтирилди. Бу даврда Наманган ва Қашқадарё вилоятлари бекор қилинди. Натижада ЎзССР таркибида: бир автоном республика, 7 вилоят, 117 қишлоқ тумани, 754 қишлоқ кенгаши қолди.

Мирзачўлни ўзлаштириш муносабати билан 1963 йил 16 февралда Сирдарё вилояти тузилди. 1964 йил 7 февралда Қашқадарё вилояти, 1967 йил 18 декабрда Наманган вилояти, шунингдек илгари бекор қилинган туманлар қайта тикланди, янгилари тузилди. 1973 йил 29 декабрда Жиззах вилояти, 1982 йил 20 апрелда Навоий вилояти тузилди. 1988 йил 6 сентябрда вилоятларни йириклаштириш мақсадида Жиззах вилояти Сирдарё вилоятига,

1989 йил май ойида Навоий вилояти Самарқанд ва Бухоро вилоятларига қўшиб юборилди.

1990 йил 16 февралда Жиззах ва Сирдарё вилоятлари аввалги чегарасида, 1992 йил 27 январда<sup>54</sup> Навоий вилояти қайта тикланди. Ўтган даврда кўпгина аҳоли яшайдиган жойлар шаҳарлар, шаҳарчалар ва шаҳар типидagi посёлкаларга айланди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин, шўролар даврида оммавий тус олган ва шўролар тизимини мадҳ этувчи жой номлари қайта кўриб чиқилиб, аҳоли яшайдиган жойларнинг тарихий номлари тикланмоқда ёки янги номлар берилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциясининг 3-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси ўзининг миллий-давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилишини, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг тизимини белгилайди, ички ва ташқи сиёсатини амалга оширади. Ўзбекистоннинг давлат чегараси ва ҳудуди дахлсиз ва бўлинмасдир.

Ўзбекистон Республикасининг давлат тузилишига келадиган бўлсак, у тузилишига кўра - унитар (оддий) давлат ҳисобланади. Бошқа унитар давлатлардан фарқ қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг давлат тузилиши ўзига хос хусусиятларга эга. Чунки унинг таркибига мустақил Қорақалпоғистон Республикаси ҳам киритилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 16-боби 68-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасидан иборат.

Демак, Ўзбекистон Республикаси - алоҳида ҳуқуқий мақомга эга бўлган Қорақалпоғистон Республикасидан, вилоятлардан ҳамда Тошкент шаҳридан ташкил топган. Вилоятлар эса ўз навбатида - туманлардан, шаҳарлардан, шаҳарчалардан, қишлоқлар ва овуллардан ташкил топган.

**Вилоят** - Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий бирликлар тизимида энг юқори бўғин бўлиб, алоҳида ўрин тутати. Вилоят ўз таркибига бошқа маъмурий-ҳудудий бўлакларнинг ҳаммасини олади ва шу тариқа муҳим ташкилий функцияни бажаради. Бу ҳудудий бўлинма жойларни марказ билан боғлаб турадиган алоқачи тузилмадир. Республика миқёсидаги давлат органлари ўз вазифаларини, жойлардаги органлар билан алоқаларини фақат вилоят ва унинг давлат бошқарув органлари - вилоят ҳокимияти орқали амалга оширадilar. Шу билан бирга вилоят ўз таркибига кирувчи қуйи ҳокимият вакиллик ва ижроия органлари фаолиятига раҳбарлик қилади ҳамда уларни умумдавлат ва маҳаллий манфаатлардан келиб чиқиб бирлаштиради.

Вилоят ҳудудлари ўз навбатида туманларга ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарларга бўлинади. Ҳар бир вилоятда туманларнинг сони турлича бўлади.

Вилоят йирик маъмурий-ҳудудий бўлинма сифатида барқарор бўлиши лозим. Унинг тузилиши, мустаҳкамланиши, йириклашиши ёки бўлиниши иқтисодий жиҳатдан асослантирилиши лозим. Мазкур маъмурий-ҳудудий бирлик иқтисодиётнинг барча соҳаларини комплекс ривожланишига олиб келиши лозим.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилишида ўн иккита вилоят мавжуд:

- **Андижон вилояти** - Фарғона водийсининг шарқий қисмида жойлашган. 1941 йилнинг 6 мартда ташкил этилган. Майдони 4,2 минг кв. км. Андижон вилоятининг маъмурий, иқтисодий ва маданий маркази - Андижон шаҳридир.

- **Бухоро вилояти** - республикаимизнинг жануби-ғарбида, Зарафшон дарёси бўйида жойлашган. 1938 йилнинг 15 январида ташкил этилган. Майдони 39,4 минг кв. км. Бухоро вилоятининг маъмурий, иқтисодий ва маданий маркази - Бухоро шаҳридир. Бухоро шаҳри таркибида 2 туман - Файзулла Хўжаев номли ва Тўқимачилик туманлари бор.

- **Жиззах вилояти** - 1973 йил 29 декабрда ташкил этилган. Майдони 20,5 минг кв. км. Вилоятнинг маъмурий маркази – Жиззах шаҳридир.

- **Навоий вилояти** - республикамизнинг марказий қисмида жойлашган. 1982 йил апрелда Бухоро вилояти ва қисман Самарқанд вилояти ерларидан ташкил топган. 1988 йил тугатилиб, 1992 йил қайта тикланган. Майдони 110,8 минг кв. км. Маъмурий маркази - Навоий шаҳри.

- **Наманган вилояти** - республикамизнинг шарқий, Фарғона водийсининг шимолий қисмида жойлашган. 1967 йил 18 декабрда қайта ташкил этилган. Майдони 7,9 минг кв. км. Вилоятнинг маъмурий, иқтисодий ва маданий маркази - Наманган шаҳри.

- **Самарқанд вилояти** - республикамизнинг марказий қисмида, Зарафшон дарёси ҳавзасида жойлашган. 1938 йил 15 январда ташкил этилган. Майдони 16,4 минг кв. км. Вилоятнинг маъмурий, иқтисодий ва маданий маркази - Самарқанд шаҳри.

- **Сирдарё вилояти** - республикамизнинг шарқида жойлашган. 1963 йил 16 февралда ташкил этилган. Майдони 5,1 минг кв. км. Вилоятнинг маъмурий, иқтисодий ва маданий маркази - Гулистон шаҳри.

- **Сурхондарё вилояти** - республикамизнинг жанубида жойлашган. 1941 йил 6 мартда ташкил этилган. Майдони 20,1 минг кв. км. Вилоятнинг маъмурий, иқтисодий ва маданий маркази - Термез шаҳри.

- **Тошкент вилояти** - республикамизнинг шимолий-шарқида жойлашган. 1938 йил 15 январда ташкил этилган. Майдони, Тошкент шаҳри майдонидан ташқари, 15,6 минг кв. км. Вилоятнинг маъмурий, иқтисодий ва маданий маркази - Тошкент шаҳри.

- **Фарғона вилояти** - республикамизнинг шарқида, Фарғона водийсининг жанубида жойлашган. 1938 йил 15 январда ташкил этилган. Майдони 7,1 минг кв. км. Вилоятнинг маъмурий, иқтисодий ва маданий маркази - Фарғона шаҳри.

- **Хоразм вилояти** - республикамизнинг шимолий-ғарбида жойлашган. 1938 йил 15 январда ташкил этилган. Майдони 6,3 минг кв. км. Вилоятнинг маъмурий, иқтисодий ва маданий маркази - Урганч шаҳри.

- **Қашқадарё вилояти** - республикамизнинг жанубий-шарқида жойлашган. 1969 йил 7 февралда қайта ташкил этилган. Майдони 28,4 минг кв. км. Вилоятнинг маъмурий, иқтисодий ва маданий маркази - Қарши шаҳри.

**Туман** – Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий бўлиниши поғоналари ичида ўрта бўғин бўлиб, қишлоқ жойларидаги иқтисодий, ҳўжалик ва ижтимоий-маданий ҳаётга бевосита раҳбарлик қилади.

Ўзбекистон ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши, янги табиий ресурсларни ўзлаштириш ҳамда аҳоли сонининг ўсиши билан маъмурий-ҳудудий бўлинмалар чегарасидаги ўзгаришлар, аввало, қишлоқдаги туман бўғинлари ҳисобига рўй беради.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасида 161 та туман мавжуд.

Ўзбекистон Республикасининг Тошкент, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида шаҳар туманлари ҳам мавжуд.

Маъмурий-ҳудудий бўлинишнинг яна бир бўғини бўлиб - **шаҳарлар** ҳисобланади. Маданий ва илмий марказ бўлиб ҳисобланган шаҳарлар аҳолисининг сони, иқтисоди ва саноатининг ривожланганлиги, маданий, илмий ва ўқув масканларининг мавжудлигига ҳараб фарқланади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида республика, вилоят ва туманга бўйсунувчи шаҳарлар тизими мавжуд. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августдаги «Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш, топонимик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида»ги қонун<sup>10</sup>да ушбу шаҳарлар аҳолиси сони, ишлаб чиқариш ва саноатига қараб тоифага ажратиш тартиблари кўрсатиб ўтилган.

---

<sup>10</sup> Ўзбекистоннинг янги қонунлари. №14. Тошкент, Адолат, 1997 й.

Вилоят ва республикага (Қорақалпоғистон Республикасига) бўйсунувчи шаҳарлар туркумига камида 30 минг аҳолиси бўлган, муҳим саноат аҳамиятига эга бўлган истиқболли иқтисодий ва маданий марказ ҳисобланган шаҳарлар киради. Ўзбекистон Республикасида бундай шаҳарлар 51 тадир.

Туманга бўйсунувчи шаҳарлар тоифасига саноат корхоналари, коммунал хўжалиги, давлат уй-жой фонди, ривожланган ижтимоий-маданий муассасалари, савдо умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари мавжуд бўлган ҳамда аҳолиси 7 минг кишидан кам бўлмаган ва унинг учдан икки қисмини ишчи, хизматчи ҳамда уларнинг оила аъзолари ташкил этган шаҳарчалар ва бошқа аҳоли манзиллари киритилади. Бунда мазкур аҳоли пунктнинг маъмурий аҳамияти ва ривожланиш истиқболлари эътиборга олинади. Ўзбекистон Республикасида 66 та ана шундай шаҳарлар мавжуд.

**Шаҳарчалар** ҳам маъмурий-ҳудудий бирлик бўлиб, унинг туркумига саноат корхоналари, қурилишлар, темир йўл станциялари ва бошқа муҳим объектлар яқинида жойлашган ҳамда камида икки минг аҳолиси бўлган аҳоли пунктлари киритилиши мумкин. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасида 106 та шаҳарчалар мавжуд.

**Қишлоқлар** – маъмурий-ҳудудий бўлинишнинг қуйи бўғинларидан биридир. Шаҳар ҳудудларига кирмайдиган, маълум аҳоли сонига эга бўлган қишлоқ марказлари ва маълум саноат объектлари атрофида истиқомат қилувчи аҳолининг яшаш жойлари қишлоқлар бўлиши мумкин.

**Овуллар** эса қишлоқларга қараганда кичикроқ ҳажмдаги яшаш ва турар жойлардан иборат аҳоли пунктларидир. Овулларда кўп ҳолларда чорвадор оилалар истиқомат қилиб, улар асосан кўчиб юрувчи бир неча чўпонлар оилаларидан ташкил топади. Ўзбекистон Республикасида қишлоқ ва овуллар 1427 тадан ошиқдир.

Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий бўлиниши тизимида **Қорақалпоғистон Республикаси** алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳар бир миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш тамойили асосида қорағалпоқ миллати Ўзбекистон ҳудудида ўз давлатини мухтор Республика шаклида ташкил этган эди. Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигига эришгандан сўнг, Қорақалпоғистон Республикасини мустақил-суверен деб эълон қилди. Бу Мустақиллик тўғрисидаги декларацияда, Мустақиллик асослари тўғрисидаги қонунда ва Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси<sup>11</sup>да ўз ифодасини топди.

Қорақалпоғистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясида ўз ифодасини топган бўлиб, 66-моддага биноан Қорақалпоғистон Республикаси туманлардан, шаҳарлардан, шаҳарчалардан, овуллардан иборат.

Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий-ҳудудий тузилишида вилоятлар мавжуд эмас.

Қорақалпоғистон Республикасида энг йирик маъмурий-ҳудудий бирлик – бу тумандир.

Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикасининг шимолий-ғарбида жойлашган. Майдони 164,9 минг кв. км. Қорақалпоғистон Республикасида 15 та туман, 12 та шаҳар, 16 та шаҳарча, 112 овул бор.

Қорақалпоғистон Республикасининг пойтахти - Нукус шаҳридир.

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилишида - **Тошкент шаҳри** алоҳида ўринни тутди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 6-моддасига биноан Ўзбекистон Республикасининг пойтахти - Тошкент шаҳри.

Пойтахт шаҳар ўзига муносиб бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга. Унда давлат ва жамоат ташкилотларининг марказий идоралари, давлат бошлиғининг қароргоҳи, чет эл дипломатик ваколатхоналари жойлашади, давлатнинг асосий сиёсий ва иқтисодий тадбирлари амалга оширилади

Тошкент шаҳри Тошкент вилоятининг маъмурий маркази бўлиб, майдони 256 кв. км.

---

<sup>11</sup> Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси 1993 йил 9 апрелда қабул қилинган.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикасининг давлат тузилишини ҳам «соф ҳолда»ги унитар давлат шакли сифатида кўрсатишимиз мумкин эмас. Чунки унинг таркибида суверен Қорақалпоғистон Республикаси мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси давлат тузилишига кўра унитар давлат ҳисобланса ҳам, унда федератив давлат тузилиши шаклининг баъзи бир қирралари мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва конституциявий амалиёт Ўзбекистон Республикасининг унитар давлат сифатидаги қуйидаги белгиларини кўрсатади:

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудий тузилиши бўйича ягона бирликни ташкил этади.

- Давлат ҳокимияти республика ҳудудида бир бутунликни ташкил этади ва уларнинг чиқарган ҳуқуқий ҳужжатлари бутун Ўзбекистон ҳудудига тааллуқлидир.

- Қонунларнинг ягоналиги, яъни Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасига биноан Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Демак, республиканинг бутун ҳудудида ягона Конституция ва қонунлар амалда бўлади. Лекин шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида Ўзбекистон Республикаси қонунларидан ташқари унга зид бўлмаган Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари амалда бўлади.

- Ўзбекистон Республикасини ташқи сиёсати Ўзбекистон халқининг манфаатларини кўзлаб амалга оширилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10-моддасига биноан Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган Республика Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб бориши мумкин.

- Ўзбекистон Республикасида молия, пул тизими, солиқ, божхона тузилиши ва республика Қуролли кучлари, Миллий хавфсизлик ва ички

ишлар органлари хизмати марказлаштирилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 122-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси ўз молия ва пул-кредит тизимига эга. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 16 июн «Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасини муомилага киритиш тўғрисида»ги Фармон<sup>12</sup>и асосида республиканинг бутун ҳудудида миллий валютамиз – СЎМ муомилага киритилди. Конституциянинг 123-моддасига биноан эса Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ягона солиқ тизими амал қилади ва х.к.лар.

- Бутун Ўзбекистон ҳудудида ягона фуқаролик жорий қилинган. Конституциянинг 21-моддасига биноан Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ягона фуқаролик ўрнатилади. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги, унга қандай асосларга эга бўлганликдан қатъи назар, ҳамма учун тенгдир. Қорақалпоғистон Республикасининг фуқароси айти вақтда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳисобланади.

Юқоридагиларга таянган ҳолда Ўзбекистон Республикасини давлат тузилиши шаклига кўра федератив давлат тузилишининг баъзи бир белгилари (хусусиятлари)ни ўзида мужассамлаштирган унитар давлат деб кўрсатишимиз мумкин.

Маъмурий-ҳудудий бўлиниш – бу қонун асосида тузилган, маълум номга, тегишли давлат-ҳуқуқий мақомга эга бўлган ва бошқа маъмурий-ҳудудий бўлақлар билан, ҳукмронлик ва бўйсунуш муносабатлари билан боғлиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудуднинг таркибий қисмидир.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг маълум маъмурий бўлақларга бўлиниши, давлатнинг асосий функция ва вазифаларини амалга оширишда зарур тадбир бўлиб ҳисобланади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари маъмурий-ҳудудий бўлақда ўз вазифаларини шу давлат ҳудудий бўлақлари орқали амалга оширадилар.

---

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикаси Фармонлар ва қарорлар. №2. Тошкент, Ўзбекистон, 1994 й.

Демак, маъмурий-худудий бўлакларга мос равишда давлат аппаратининг тегишли бўғинлари ҳам такомиллаштирилади.

Маъмурий-худудий бўлиниш икки хилда: сиёсий-худудий бўлиниш ва маъмурий-худудий бўлиниш сифатида намоён бўлади. Сиёсий-худудий бўлинишда давлат худудидида сиёсий жихатдан алоҳида давлат (мустақил ёки мухторият) намоён бўлса, бундай давлатнинг худудий бўлиниши мураккаб ҳисобланиб, уни сиёсий-худудий бўлинишдаги давлат дейилади. Агар давлат фақат маъмурий-худудий бўлаклардан иборат бўлса, бундай давлатни маъмурий-худудий бўлинишдаги давлат дейилади.

Қаюмов Р.Қ. кўрсатишича<sup>13</sup>: маъмурий-худудий бўлинишни амалга оширишга табиий, сиёсий, иқтисодий омиллар таъсир қилувчи омиллар ва тамойиллардир.

Ўзбекистон Республикаси маъмурий-худудий тузилишини амалга оширишда қуйидаги тамойилларга асосланилади:

- иқтисодий тамойил – давлатнинг маъмурий-худудий тузилиши шу давлатнинг иқтисодий соҳадаги вазифаларини самарадорлик билан амалга оширишни таъминлашга қаратилиши лозим. Шунинг учун ҳам давлат аппаратининг маҳаллий органлари унинг иқтисодий-хўжалик юритиш функциясини муваффақиятли таъминлаб берадиган даражада худудий жойлаштирилган бўлиши керак;

- сиёсий тамойил – давлатнинг худудий тузилишини шу давлатнинг сиёсий мақсадлари, давлат ҳокимиятини амалга оширишга мос равишда ташкил этишдан иборат. Бу тамойил, биринчидан, ҳар бир маъмурий-худудий бўлинма давлатнинг, унинг ҳокимият органлари вазифаларини бажарувчи мустақил қисми деб тушунилиши, иккинчидан, ҳар бир худудий қисм ўз вазифасини бажаришда юқори давлат ҳокимияти органларига бўйсуниши;

- миллий-маиший тамойил – маъмурий-худудий бўлиниш жараёнида аҳолини миллий таркиби, ўзига хос миллий-маиший хусусиятлари

---

<sup>13</sup> Қаранг. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ. Тошкент, Ўзбекистон, 2001 й., 348-349 б.

эътиборга олинади. Мазкур тамойилда Ўзбекистоннинг маъмурий-худудий бўлагидаги аҳолининг миллий таркибига эътибор берилади, уларнинг миллий ўзини ўзи бошқаришларига маълум даражада шароит яратиб берилади. Бундай тадбирлар миллий кадриятларимизнинг ўзига хос томонларини инобатга олишни, маданий, тарихий, диний, эстетик томонларга эътибор беришни таъминлайди;

- давлат аппаратини аҳолига яқинлаштириш тамойили – маъмурий-худудий тузилишда давлат ишларини бошқаришда халқнинг иштирокини таъминлаш ва давлат аппаратини аҳолига яқинлаштиришдан иборат. Бундай тадбир давлат аппаратини аҳолига алоқадор ва қулай шароитда хизмат қилдиради. Аҳолининг эҳтиёжи ва талабларини бевосита давлат аппаратига яқинлаштиради. Уларга конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга оширишда, давлат органларини сайлашда, ўзини ўзи бошқариш органларини тузишда ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир маъмурий-худудий бирлигида давлатнинг маҳаллий вакиллик органи, ҳокимияти ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ташкил этилади. Ўзбекистон Республикасининг ҳозирги маъмурий-худудий бўлиниши республиканинг ишлаб чиқариш кучлари аҳолини, уларнинг жойлашиш характерини, транспорт ва алоқа воситаларининг ривожланишини, жойлардаги бошқарувнинг ташкилий тузилишини акс эттиради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 69-моддасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрининг чегараларини ўзгартириш, шунингдек вилоятлар, шаҳарлар, туманлар ташкил қилиш ва уларни тугатиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг розилиги билан амалга оширилади.

Конституциянинг 69-моддасида кўрсатиб ўтилган меъёр Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августдаги «Ўзбекистон Республикасида маъмурий-худудий тузилиш, топонимик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида»ги

қонун<sup>14</sup>и орқали амалга оширилади. Мазкур қонун вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овулларни тузиш, тугатиш, уларнинг чегараларини ўзгартириш, маъмурий марказларни кўчириш ҳамда аҳоли пунктларини шаҳар, шаҳарчалар туркумига ўтказиш, маъмурий-ҳудудий бирликлар, аҳоли пунктлари ва уларнинг таркибий қисмларига, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, физик-жўғрофий, геологик ва бошқа объектларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартибини белгилайди.

Мазкур қонуннинг 1-3-моддаларида вилоятлар, туманлар, қишлоқлар ва овулларни тузиш ва тугатиш тартиби кўрсатиб ўтилган. Унга кўра вилоятларни тузиш ва тугатиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан амалга оширилади. Туманларни тузиш ва тугатиш тегишли вилоят ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг илтимосномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикасида туманларни тузиш ва тугатиш Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг таклифига мувофиқ Жўқорғи Кенгес томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг розилиги билан амалга оширилади.

Қишлоқлар, овулларни тузиш ва тугатиш тегишли туман ҳокимларининг илтимосномасига асосан халқ депутатлари вилоят Кенгашлари томонидан, Қорақалпоғистон Республикасида эса – Жўқорғи Кенгес томонидан амалга оширилади.

«Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш, топонимик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида»ги қонуннинг 4-6-моддаларига биноан эса Қорақалпоғистон Республикасининг чегараси фақат унинг розилиги билан

---

<sup>14</sup> Ўзбекистоннинг янги қонунлари. №14. Тошкент, Адолат, 1997 й.

Жўқорғи Кенгес қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ўзгартирилиши мумкин.

Вилоятлар ва туманларнинг чегараларини ўзгартириш тегишли вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимларининг илтимосномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига мувофиқ Олий Мажлис томонидан амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикасида туманларнинг чегараларини ўзгартириш тегишли туман ҳокимларининг илтимосномасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг таклифига мувофиқ Жўқорғи Кенгес томонидан амалга оширилади.

Қишлоқлар ва овуллар чегарасини ўзгартириш, аҳоли пунктларини бирлаштириш тегишли туман ҳокимларининг илтимосномасига асосан халқ депутатлари вилоят Кенгашлари томонидан, Қорақалпоғистон Республикасида эса – Жўқорғи Кенгес томонидан амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикасининг пойтахтини белгилаш ва кўчириш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг розилиги билан Жўқорғи Кенгес томонидан амалга оширилади.

Вилоятларнинг маъмурий марказларини белгилаш ва кўчириш тегишли вилоят ҳокимларининг илтимосномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан амалга оширилади.

Туманлар, қишлоқлар, овулларнинг маъмурий марказларини белгилаш ва кўчириш тегишли туман ҳокимларининг илтимосномасига биноан халқ депутатлари вилоят Кенгашлари томонидан, Қорақалпоғистон Республикасида эса – Жўқорғи Кенгес томонидан амалга оширилади.

Шаҳарларнинг чегараларини белгилаш ва кенгайтириш тегишли вилоят, Тошкент шаҳри ҳокимларининг илтимосномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикасида шаҳарларнинг чегараларини белгилаш ва кенгайтириш тегишли туман, шаҳар ҳокимларининг илтимосномасига асосан Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг таклифига мувофиқ Жўқорғи Кенгес томонидан амалга оширилади.

Шаҳарчаларнинг чегараларини белгилаш ва кенгайтириш тегишли туман ҳокимларининг илтимосномасига асосан халқ депутатлари вилоят Кенгашлари томонидан, Қорақалпоғистон Республикасида эса – Жўқорғи Кенгес томонидан амалга оширилади.

Вилоятлар, туманлар, шаҳарларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тегишли вилоят ҳокимларининг илтимосномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикасида туманлар, шаҳарларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тегишли туман, шаҳар ҳокимларининг илтимосномасига асосан Жўқорғи Кенгес томонидан амалга оширилади.

Шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, аҳоли пунктларига ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тегишли туман, шаҳар ҳокимларининг илтимосномасига асосан халқ депутатлари вилоят Кенгашлари томонидан, Қорақалпоғистон Республикасида эса – Жўқорғи Кенгес томонидан амалга оширилади.

Вилоятлар, туманлар, шаҳарларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш вақтида Ўзбекистон Республикасида мавжуд бўлган номларни беришга, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, аҳоли пунктларига эса Қорақалпоғистон Республикаси ёки ушбу вилоятда мавжуд бўлган номларни беришга йўл қўйилмайди.

Вилоятлар, шаҳарлар, туманлар, қишлоқлар, овуллар, шаҳарчалар, аҳоли пунктларига одамларнинг номини беришга, шунингдек уларни тарихий воқеалар шарафига номлашга қоида тариқасида йўл қўйилмайди.

Вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овулларни тузиш, тугатиш, чегараларини ўзгартириш, маъмурий марказларни бошқа жойига кўчириш, аҳоли яшайдиган пунктларни шаҳарчалар тоифасига

кўчириш, маъмурий-ҳудудий бирликларни номлаш, номини ўзгартириш масаласига бағишланган қарорлар албатта Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномасида чоп этилиши лозим.

## ХУЛОСА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 1-моддасига мувофиқ у суверен демократик республика бўлиб, мустақил давлат ҳисобланади. "Мустақилик" эса Президентимиз И.А.Каримов ибораси билан айтганда, аввалам бор "ҳуқук" демакдир. Чунки давлатимизнинг ҳозирги маъмурий-ҳудудий чегарасида биринчи бор Ўзбекистон халқи ўз моддий ва маънавий бойликларидан ўз хохишича, яъни ўзининг Конституцияси ва унинг асосида қабул қилинган қонун ҳужжатларига мувофиқ равишда жамиятдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш имконияти – "ҳуқуқи" юзага келди. Эндиликда, биз ва бизнинг халқимиз ҳам ашё етказиб берадиган чекка ўлкада эмас, балки мустақил равишда ўз ҳуқуқимизни амалда татбиқ қила оладиган миллий суверен давлатда яшаётганимизни алоҳида такидлаш жоиздир.

Ўзбекистон миллий давлатининг шаклланиши охир-оқибатда ижтимоий, иқтисодий, маънавий, истиқлол ва тараққиёт йўлидаги "ўзбек модели"ни ишлаб чиқишга имкон берди. Ушбу модел мустақил Ўзбекистонимизнинг узоқ даврга мўлжалланган ички ва ташқи ривожланиш стратегиясини яратишга асос бўлди. Унинг мазмуни ва моҳияти Президентимиз И.А.Каримов асарлари, рисоалари, мақолалари ва нутқларида ўз аксини топган. Бу йўл Ўзбекистоннинг ўзига хослиги ва манфаатларига, унинг табиий ва ижтимоий шароитларига, ўзбек халқининг азалий анъаналарига, демографик ва этнографик ҳолатига мос тушади. Мазкур миллий давлат тузилиши ва унинг ривожланиш асослари Президентимиз асарларида чуқур ёритиб берилган ва Ўзбекистоннинг ўз ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий йўлининг беш асосий тамойилларида акс эттирилгандир.

Ҳар бир мустақил давлатнинг умумий эътироф этилган асосий белгиларидан бири – ўз чегараси доирасидаги ягона маъмурий ҳудудига эга бўлишидир.

1991 йил 31 августда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XII чақириқ, навбатдан ташқари 6–сессиясида қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида"ги қонунининг 4 ва 17-моддаларига биноан Республикамиз давлат чегараси ва

худуди дахлсиз ва бўлинмасдир. Унинг ҳалқи ўз хоҳиш-иродасини эркин билдирмасдан туриб, давлат чегараси ва худудининг ўзгартирилиши мумкин эмас. Ўзбекистон таркибида бўлган Қорақалпоғистон Республикасининг худудий бутунлиги ва мустақиллиги эътироф этилади. Ушбу ҳуқуқий ҳолат Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомига ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг 1991 йил 21 декабрдаги Олмаотада имзоланган халқаро шартномасига тўла равишда мос тушади.

Халқаро ҳуқуқ меъёрларига кўра ҳар бир давлатнинг худуди – давлат чегараси доирасидаги ер кенгликларидан иборатдир. Ер кенгликларига эса ушбу худудларнинг қуруқлик қисми, сув акваторияси, ер ости бойликлари ва атмосфера ҳавоси киради. Мазкур табиий объектлар ҳар бир давлатда яшовчи инсонлар учун моддий база ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ҳар бир давлат, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг худуди унинг сиёсий-ижтимоий ҳаётида муҳим ўрин эгаллайди ва мустақиллигининг реал ифодаси деб қаралади.

Худуди катта, аҳолиси зич ва миллий-этник таркиби турли-туман бўлган давлатларда маъмурий бошқарув самарадорлигини ошириш ва маҳаллий шароитлардан келиб чиққан ҳолда ҳуқуқий демократик принципларни табақалашган тарзда шакллантириш каби бир қанча масалаларни ҳал қилиш учун ягона давлат ер кенгликлари маълум бир қисм (бўлинма)ларга ажратилади.

Давлатнинг маъмурий жиҳатдан ажратилган маъмурий-худудий тузилиши давлат билан унинг таркибий қисмлари ўртасида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни ҳамда ушбу қисмларнинг ҳар бирини ҳуқуқий ҳолатига доир масалаларни қамраб олади. Шунинг учун ҳам ривожланишнинг қандай босқичида турмасин ёки давлат тузилишининг қандай шаклларида иборат бўлмасин ҳар бир суверен давлатнинг ер кенгликларини маъмурий-худудий жиҳатдан маълум бир қисмларга ажратиб олиш жуда катта сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий ҳамда ҳуқуқий аҳамият касб этади.

Ҳар бир давлатнинг майдони, аҳолисининг сони, миллий-этник таркиби, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ривожланиши каби омилларга кўра унинг ер кенгликлари маълум бир қисмларга ажратилади. Бундай маъмурий-худудий қисмларга ажратиш аксарият ҳолларда давлатнинг марказдан туриб ижтимоий муносабатларни самарали тартибга солиш

имкони бўлмаган тарзда амалга оширилади. Ажратилган қисмлар механик тарзда эмас, балки бирон бир мақсадни кўзлаб ва маълум бир принципларга асосланган ҳолда бўлинади. Шунинг учун ҳам Конституциямизнинг 4-бўлим XVI боби Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий "бўлиниши" эмас, балки "тузилиши" деб номланди.

Давлатнинг маъмурий-ҳудудий бўлиниши давлат бошқарувини оsonлаштириш учун, унинг ер кенгликларини сиёсий нуқтаи назардан маълум бир қисмларга ажратиб олиш деб тушуниш мумкин. Маъмурий-ҳудудий тузилиш эса давлатнинг ер кенгликларини ҳуқуқий давлат субъектлари, яъни мустақил ижтимоий-сиёсий қисмлар тариқасида ташкиллаштирилишидир.

"Тузилиш" деган юридик атама "Бўлиниш" деган атамага нисбатан кенгроқ, ҳуқуқий жиҳатдан эса мустақилроқ қисмларга ажратиш деса бўлади. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XVI боби "Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши" деб номланиб, у 1927, 1937, 1978 йилларда қабул қилинган Ўзбекистон ССР Конституцияларида белгиланган ҳуқуқий меъёрлардан тубдан фарқ қилади. Масалан, янги қомусимизда маҳаллий бошқарув органлари – вилоят, туман ва шаҳар ҳокимиятларига ўзларининг маъмурий-ҳудудий бўлинмаларида ижтимоий-иқтисодий муносабатларни турли жиҳатларини ҳар томонлама тартибга солишда катта ваколатлар берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов давлат қурилиши ва унинг тузилиши асосларига бағишланган бир қатор асарларида, хусусан "Ўзбекистон XXI асрга интилоқда" деган китобида бизда давлат тузилиши ер кенгликларини вилоят, туман ва шаҳарларга бўлиниши сунъий равишда, ўз-ўзидан келиб чиққан "техник" жараён бўлмай, балки республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги асосий стратегик мақсадни амалга оширувчи таянч қисмларига ажратилиши эканлигига алоҳида урғу берган.<sup>15[3]</sup> Шунинг учун ҳам юртбошимиз давлат тузилиши ва бошқарувида марказдан қуйи бўлинмаларга томон ҳаракат йўналиши, яъни: *биринчиси* – марказий бошқарув органлари ваколатларининг анчагина қисмини маҳаллий ҳокимиятларга; *иккинчиси* – маҳаллий бошқарув органларидан қатор

ваколатларни фуқароларнинг жойлардаги жамоат бирлашмаларига ва ўзини-ўзи бошқарув органларига бериш кераклигини бир неча бор таъкидлайди.

Умумиқтисодий, умумэкологик, умумсиёсий масалалардан ташқари барча масалалар маҳаллий бошқарув органлар ваколатларига киритилиши ҳозирги замон маъмурий-ҳудудий тузилишнинг асосий ютуқларидандир. Эндиликда бозор ислохотларини чуқурлаштириш, тадбиркорликни қўллаб қувватлаш ва рағбатлантириш, хусусий мулкни турли кўринишларини ва шакллари ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш, истеъмол бозорини тўлдириш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, кишиларнинг яшаш даражасини ва ҳаёт фаровонлигини ошириш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маҳаллий-ҳудудий тузилмаларда хал этилиши лозим бўлади. Худди ана шундай жараёни оғишмай амалга ошириш Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг мустаҳкам асосларини яратиш ва маъмурий-ҳудудий тузилмаларнинг ҳуқуқий-иқтисодий мустақиллигини таъминлашга олиб келади.

## Фойдаланилган адабиётлар руйхати

### Рахбарий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – 40 б.
2. Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.
3. Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 380 б.
4. Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 366 б.
5. Каримов И. А. Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 394 б. Каримов И. А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т. 5. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 384 б.
6. Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 429 б.
7. Каримов И. А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. Т. 7. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 413 б.
8. Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т. 8. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 525 б.
9. Каримов И. А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – 439 б.
10. Каримов И. А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – 432 б.
11. Каримов И. А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т. 11. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – 320 б.
12. Каримов И. А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т. 12. – Т.: Ўзбекистон, 2004. – 400 б.
13. Каримов И. А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 448 б.
14. Каримов И. А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари-энг олий қадрият. // Халқ сўзи, 2005 йил 10 декабр.

## **II. Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар.**

1. «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни-Тошкент, “Ўзбекистон”, 1999 й.
2. Ўзбекистон Республикаси маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни, Тошкент, “Адолат” 1995 йил.
3. «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонуни. 1991йил 31 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1991. №1. 246-модда.
4. «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1993й 2 сентябрда қабул қилинган. 1997й. 30 августда, 1998й. 25 декабрда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси, 1993. №9. 320-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1997. №9. 241-модда; 1999. №1. 20-модда.
5. «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1993 й. 2 сентябрда қабул қилинган. 1997й, 25 апрелда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган. Янги таҳрирда 1999 й. 14 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси, 1993. №9. 322-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 1997. №4-5. 126-модда; 1999. №5, 10-модда.
6. «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг қонуни; 1994 й. 5 майда қабул қилинган. 1997 й. 26 декабр, 1998 й. 25 декабрда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1994. №5. 125-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1998. №3. 38-модда; 1999. №1. 20-модда.
7. «Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш, топонимик объектларга ном бериш на уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1996 й. 30 августда қабул қилинган.

## Махсус адабиётлар

1. М.Бойдадаев: «Ўзбекистонда давлат бошқаруви ташкилий тузилмаларининг аҳволи, ислоҳ қилиниши ва ривожланиш истиқболлари» Давлат ва ҳуқуқ. 2001. №3.9-12 бетлар.
2. У. Муҳаммедов: «Ҳокимиятлар бўлиниши ва қонун устуворлиги» Ҳаёт ва қонун. №6. 2001й. 10-11 бетлар.
3. Г.Пиржанов «Парламент ислоҳоти ва конституциявий суд» Ҳаёт ва қонун №6. 2002й. 38-40 бетлар.
4. З.Шамуратова: «Ижроия ҳокимияти органлари» Ҳаёт ва қонун №3. 2003й. 54 бет.
5. Ж.Жумаев: «Маҳаллийчилик – ижтимоий хавфли иллат» Ҳаёт ва қонун №4. 2003й. 61-62 бетлар.
6. Г.Исмоилова: «Номарказлаштириш : жаҳон тажрибаси ва бугунги жараён» Ҳаёт ва қонун. №4. 2003й. 63-65 бетлар.
7. З.Исломов: «Демократик ҳуқуқий давлат асослари» Ҳаёт ва қонун. №4. 2003й. 12-15 бетлар.
8. А.Т. Тўлаганов: «Давлат ҳокимиятининг вакиллик ва ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини ташкил этиш». Ўқув қўлланма. Т., «Университет». 1996 й.
9. А.Т. Тўлаганов: «Давлат ҳокимиятининг вакиллик ва ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини ташкил этиш». Дарслик Т., 2002 й. 194-бет.
10. У. Тожиҳонов, Х. Одилқориев, А. Саидов: «Ўзбекистон Республикаси конституциявий ҳуқуқи». Дарслик. Т., «Шарқ» 2001 й. 750-бет.
11. «Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи». Дарслик. Т., «Молия» 2002 й. 632-бет.
12. А.А. Азизхўжаев: «Давлатчилик ва маънавият». Т., «Шарқ» 1997 й.
13. Х. Одилқориев: «Конституция ва фуқаролик жамияти». -Т.: Шарқ, 2002.-320 б.
14. Ш. Жалилов: «Кучли давлатдан-кучли жамият сари: тажриба, таҳлил, амалиёт», - Ўзбекистон. 2001. 160 бет.
15. Саидов А., Тожиҳонов У. Давлат ва ҳуқуқ назарияси : Икки жилдли. 1-жилд. Давлат назарияси. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2001. 336 бет.
16. З. Исломов «Давлат ва ҳуқуқ: умумназарий масалалар» 1-жилд. Т.: «Адолат» 2000 й. 272-б.
17. Бабуринов С.Н. Территория государства: правовые и политические проблемы. М., 1997. 480с.
18. Витрук Н.В.: Федерализм, автономия и права национальных меньшинств: современная ситуация в России. Право и жизнь. №11. 1997. С. 64-82.
19. Ганглис А.Б. Многообразие форм федерализма в США. Государство и право. 1994. № 6. С. 133-140.

20. Государственное устройство Российской Федерации: Учебное пособие. Екатеринбург, 1993.
21. Карапетян Л.М. Федеративное устройство и правовой статус народов. М., 1996. 150с.
22. Саломаткин А.С. Административно-территориальное устройство Российской Федерации: Вопросы теории и практики. М., 1995.
23. Синюков В.Н. О форме федерации в России Государство и право. 1993. №5. С. 28-35.
24. Федерация в зарубежных странах. М., 1993. 112 с.